Ушбу сонда:
2 ЯНГИЛИККА ИНТИЛМАГАН МАҚСАДГА ЭРИШОЛМАЙДИ
3 ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА
4 МИЛЛИЙ КИНО: ЮКСАЛИШ ЗАВҚИ ВА МАШАҚҚАТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 17 июл, сешанба № 109 (1123)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗЛИГИНИ АНГЛАГАН ХАЛҚМИЗ

Самарқандни Шарқ Рими деб аташади. Асрлар оша кўкка бўй чўзиб турган меъморчилик обидалари жаҳон аҳлини ҳамон лол этиб келмоқда. Шу билан бирга Самарқанд замонавий саноат шаҳри ҳамдир. Мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий ўзгаришлар хусусида дастлаб шаҳар ҳокими Пўлат АБДУРАҲМОНОВ билан суҳбатлашдик.



ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

— Тарих келажакнинг пойдеворидир. Ўтган ўн йилда аждодлар меросини ўрганиш, халқ қадриятларини тиклаш борасида нималарга эришилди?

— Инсоннинг маънавий камолотида тарихий меросни ўрганишнинг аҳамияти беқиёслигини Президентимиз Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаётгани бежиз эмас. Аждодларининг буюк меросини чуқур биладиган, бу билан фахрланадиган киши аввало ўзлигини англайди ва миллий ғурурини ҳимоя қила олади. Масалан, америкалик шарқшунос олим Ричард Фрай «Сўғдиёна Марказий Осиёнинг юраги» деган. Умуман, Самарқанд ўз вақтида дунёда илм-фан тараққиётининг маркази эди. Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Имом Мотуридий каби ўнлаб алломалар, соҳибқирон Амир Темурнинг мероси тарихий ҳақиқатдир.

Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими раиси, профессор Темур Ширинов Болония ва Рим университетлари олимлари билан ҳамкорликда археологик ва тарихий-жўғрофий маълумотларга асосланиб, Самарқанднинг XVI-XVII асрлардаги кўринишини акс эттирувчи харитани ишлаб чиқишди. Бу тадқиқот нафақат тарихни ўрганиш нуқтаи назаридан, балки шаҳарни бугунги кунда ободонлаштиришни қайси йўналишда олиб бориш жиҳатидан ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Мустақиллик йилларида Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги, ташкилотчилиги, ташаббуси билан Самарқандда Гўри Амир мақбараси, Регистон ансамбли, Руҳобод, Бибихоним, Шоҳизинда, Ҳазрати Хизр, Оқсарой, Ашратхона мажмуалари каби ўнлаб ёдгорликлар таъмирланди, тикланди.

(Давоми 2-бетда).

НУРОНИЙ ЧЕҲРАСИДА МАМНУНЛИК

Касаба уюшма ёрдамга келди

Яқинда ёлғиз яшовчи кексалардан бири идорамизга келди. Ҳол-аҳвол сўрашдик. У туман марказига бир иш билан келибди. Шу баҳона бизларни кўриб ўтгани кирган экан.

— Раҳмат сизларга, — деди у, — асло кам бўлманглар. Сизлар юбораётган озиқ-овқатларни вақтида оляпман. Рўзғоримдан кўнглим тўқ. Бундан ўн-ўн беш йил олдин мункиллаб қолсам нима қиламан, деб қўрқардим. Минг шукр, замон ўзгарди, энди илгаригидек кўнгилда хавотир йўқ.

Мен у кишига бу ғамхўрликлар аввало давлатимизнинг юритаётган одил сиёсати туфайли, қолаверса ёши улуғ инсонлар хизматида бўлиш, мушкулини осон этиш бурчимиз эканини айтдим. У Юртбошимизни дуо қилиб, давлатимизга осойишталик тилаб, илиқ хайрлашди.

Туманимиздаги шундай ёлғизлардан ўн икки нафарини оталиққа олганмиз. Машиналарда уйларига бепул озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилади. Кўплари олис қишлоқларда яшайди. Марказга келиб кетишлари қийин. Шуни ҳисобга олиб улардан ўзимиз хабар оламиз.

Шунингдек, тумандаги лицей-интернатга ҳам ҳомийлик қиламиз. Унинг бу йилги битирувчиларини ҳам яхшилаб кузатдик. Уларга аталган совға-саломларни улашдик. Айни кунларда мазкур билим даргоҳи таъмирланишига ҳам ҳиссамизни қўшаяпмиз. Дарсликлар олиб берамиз.

Жамиятимиз аъзолари фарзандларидан 37 нафар ўғил-қиз ёз мавсумида вилоятимиздаги «Матлуботчи» оромгоҳида дам олдирилиб, соғломлаштириш кўзда тутилган. Уларга йўлланма пули ташкилот ҳисобидан тўланади.

Аъзоларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатликларини мустаҳкамлаш ишлари ҳам доимо диққат марказимизда. Уч нафар ходим Тошкентдаги сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқариб қайтди. Моддий ёрдамга муҳтожларга бир ойлик маош миқдорида пул ажратилиши, оддий одатга айланиб қолган. Ишловчиларга овқат пули ҳам мунтазам бериб борилади.

Яна шуни ҳам айтмоқчиман. 2001 йилнинг олти ойлик топшириқларини ортиғи билан бажардик. Ўртача ойлик 12-14 минг сўмга чиқди. 25 минг сўмгача маош оладиганлар ҳам оз эмас. Ўтган йилги соф фойдадан 1700 минг сўм дивидент тўловига ажратилган эди. Ҳиссадорларнинг ҳар бир сўмига 2 сўм 70 тийиндан қўшимча ҳақ тўланди.

Бир сўз билан айтганда, яхши ишлаб, яхши яшаяпмиз. Тўйлар қилиб, орзу-ҳаваслар кўряпмиз. Даромадимизнинг бир қисмини эзгу, савоб ишларга сарфлаяпмиз. Яқиндагина туманда ёшлар куни тантанали ўтишида биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшдик. Энди энг азиз, энг қутлуғ байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлашга қизғин тараддуд кўряпмиз. Бу ишларга ҳам аҳил жамоамиз раҳбари Пурхон Ўролов, ва касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳикматой Ёқубовалар бош-қош бўлмоқдалар.

Ҳамробой УЗОҚОВ,
Сайхунобод туманидаги «Матлубот» ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари.

Замонавий сиҳатгоҳ

Хонқа туманидаги Машариф Абдуллаев номли сиҳатгоҳ «Хоразм» ширкат хўжалигининг энг боҳаво, гўзал жой — 10 гектарли мевали ва манзарали дарахтлар орасида жойлашган. 1976 йилда у Хонқа пахта тозалаш заводи ишчи-хизматчиларини соғломлаштириш учун профилакторий сифатида ишга туширилган эди. Кейинчалик бу маскан сиҳатгоҳга айлантирилди.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР УЧУН

Айни пайтда мазкур соғломлаштириш маркази ойига 100 нафар кишига хизмат кўрсатиш имконига эга. Турли тиббий муолажалардан ташқари бу ерда 800 метр ер қаъридан тортиб олинаётган маъданли бром ва иодга туйинган сув мавжуд. У ўзининг шифобахшлиги билан Кисловодск, Трускавец, Есентуки сувларидан асло қолишмайди. 56-60 градус иссиқликдаги бу сув ревматизм, неврологик, жигар, ўт йўллари, буйрак, бўқоқ, гинекологик ва экзема сингари касалликларни даволашда кўл келмоқда.

Вилоятда экологик вазиятни мураккаблашуви, аҳоли ўртасида, айниқса, оналар ва болалар орасида хасталикларни кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олган республика ҳукумати ва касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши сиҳатгоҳни 150 ўринга кенгайтиришга қарор қилган эди. Айни пайтда қурилиши жадал олиб борилаётган бу сиҳатгоҳ «Оналар ва болалар» деб номланди. Янги масканда беморларга замонавий тиббиёт техникаси ёрдамида юқори савияда диагностик хизматлар ҳам кўрсатилади.

Қўшимча бино қурилишини Хонқа туманидаги 282-очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти қурувчилари жадал суръатда олиб боришмоқда. Айни пайтда Назар Сафаров, Искандар Жабборов бошлиқ ғишт терувчилар, Бахтиёр Ўринов етакчилигида дурадгорлар, Шоназар Қурбонбоев раҳбарлигида бўёқчилар бригадалари сўнгги юмушларни бажаришмоқда.

Яқин кунларда мазкур сиҳатгоҳ оналар ва болаларни ўз бағрига олади.

Эркин ЭРМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

2 МИЛЛИОН СЎМЛИК ДОРИ-ДАРМОН БЕПУЛ

Ижтимоий ҳимоя

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларга етарли шарт-шароит яратиб бериш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. Буни ҳисобга олган Қашқадарё вилоят тиббиёт муассасалари Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорини бажариш юзасидан ибратли ишларга қўл уришмоқда.

Биз Бешкент шаҳридаги 8-дорихонада борганимизда мудир Зариф Пирназаров ва унинг ёрдамчиси Теша Маманазаров ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз қарияларга бепул дори-дармонлар тарқатиб, эндигина қайтиб келишган экан.

— Туманимиз бўйича 3771 нафар нафақахўр ва ногиронга дорилар имтиёзли тарқатилади, - дейди мудир. — Ҳозир шаҳардаги Зинаида Кострёва ва Зинаида Востряковаларнинг хонадонларида бўлиб, уларнинг аҳволидан хабар олдик. Тегишли дори дармонлар бердик.

Шунингдек, доришунослар шу куни уруш қатнашчилари Абдурасул Эламонов, Рўзибой Равшанов, Чернобил фожеаси ногиронлари Мухтор Шаропов, Хушназар Мўминовлар ҳузурида бўлиб, дори-дармонлар тарқатдилар.

134 нафар уруш қатнашчиси, 31 нафар ёлғиз нафақахўр, 33 нафар болаликдан ногирон, 19 нафар Чернобил ҳалокати қатнашчиси, 33 нафар байналминалчи жангчи ва бошқалар дорихона ҳисобида туради.

Вилоятда Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида иш юритиб, аҳолининг кам таъминланган қисмини дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Дорихона ходимлари ўзгалар ёрдамига муҳтож фуқароларнинг оилаларида тез-тез бўлиб турадилар.

Ҳақиқатан ҳам ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш фармацевтларнинг доимий эътиборида. Биз Касби, Усмон Юсупов туманларидаги аҳволни ўрганганимизда, бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Масалан, Касбида эҳтиёжмандларга 1 миллион 320 минг сўмлик, У.Юсупов туманида эса 980 минг сўмлик бепул дорилар ажратилган. Ёлғиз нафақахўрлар Фотима Аббосова, Эргаш Тўраев, Тўра Арабова, уруш ногиронлари Мирза Жўраев, Шукур Бойтўраевлар кўрсатилаётган бундай беминнат ёрдамдан бениҳоя мамнун бўлишаётганини изҳор қилишди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

«АГРОИСТЕЪДОД» — ИҚТИДОРЛИЛАР МАКТАБИ

Бир неча кундирки, Тўйтепа туманидаги «Меҳржон» оромгоҳи ўқувчилар билан гавжум. Бу ерда «Агроистеъдод» номли иқтидорли болалар мактаби очилди. У янги ўқув йилигача фаолият кўрсатади.

Бу маскан 16 ёшгача бўлган иқтидорли, ижодкор ўқувчилар ўқув ва амалий-ижодий машғулотлар билан шуғулланишига, ёзги таътилни янада мазмунли ўтказишига имкон яратиш мақсадида ташкил этилди.

Айни кунда мактабда 60 ўқувчи бўлиб, уларнинг 42 нафари вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан, қолган 18 нафари Тошкент шаҳридан келган.

Ўқувчиларга 20 июлга қадар илмий-техникавий, умумжисмоний, ахлоқий-тарбиявий ва маданий дастурлар асосида дарслар ўтилади.

(ЎзА).

«Ишонч», 2001 йил 19 июн

«АНҲОР ЁНИДА МОЛХОНА...»

Ушбу сарлавҳа остида чоп этилган мақолада бебаҳо бойлик — пойтахтимиз оқар сувларини ифлослантираётган, ариқ, канал бўйларига молхона, товуқхона, хаттоки хожатхона каби қурилишлар қилиб, чиқинди, оқаволарни оқизаётган ташкилот, корхона, муассаса раҳбарлари, шахсий хонадон эгалари танқид остига олинган ҳамда хаётимиз асосий манбаи — обиҳаётга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, бу келгуси авлод тўғрисида ғамхўрлик эканлиги алоҳида таъкидланган эди.

Газетанинг ушбу чиқиши жамоатчилик ўртасида акс-садо берди, оби хаётга хурматсизларча муносабатда бўлаётганларнинг кўзини очди, камчиликларни бартараф этиш, қатор муаммоларни ҳал этиш имконини берди.

Куйида ушбу долзарб масала юзасидан таҳририятимизга келган жавоблар эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

ИШ ФУҚАРОЛИК СУДИГА ОШИРИЛДИ

Мақолада келтирилган далиллар туман ҳокимлигида мутасадди ташкилотлар масъул вакиллари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Ҳақиқатан ҳам Бўзсувнинг ирмоғи бўлмиш Дарвозакент ариғи ифлосланган. Уни тозалаш ва бошқа салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида 1-«Отчопар» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда туман ободонлаштириш бошқармаси билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Асосий юмушлар ҳашар йўли билан амалга оширилади.

Шунингдек, Бўзсув ёқасида жойлашган «Мингўрик», «Бодомзор» маҳаллаларида яшовчи фуқаролар томонидан ғайриқонуний тиклаб олинган қурилишларни бузиб ташлаш бўйича муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, анҳор бўйида солинган 8 та паррандахона ва молхона эгаларидан 35000 сўм миқдорида жарима ундирилди. Қонунга зид равишда қурилган қўшимча хоналар ҳовли ҳудудига кўчирилди.

Ноқонуний тикланган 16та бостирмани буздириш масаласини ҳал этиш учун тегишли ҳужжатлар туман фуқаролик ишлари бўйича судига оширилди.

Ш.ПАХРУТДИНОВ,
Юнусобод тумани ҳокими.

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ИНШООТЛАР...

Мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларни тугатиш мақсадида мутасадди ташкилотлар вакиллари жалб қилинган ҳолда доимий ишчи гуруҳи тузилди. Гуруҳ аъзолари туман ҳудудидан оқиб ўтадиган канал, ариқлар бўйига ўзбошимчалик билан қуриб олинган ўнлаб иншоотлар, бинолар, қўшимча хоналар мавжудлигини аниқладилар. Жумладан, Кайковус канали бўйлаб 20 та ноқонуний қурилиш қилган фуқаролар огоҳлантирилиб, назорат йўлини очиб қўйиш юзасидан кўрсатма берилди. Хоналарни бузишдан бош тортган 10 та хонадон эгаси иши фуқаролик ишлари бўйича судга топширилди. Кўкча канали ён-атрофида уй-жой қуриб, оқавани сувга оқизаётган 61та хонадон соҳиби расман огоҳлантирилди. Улардан 6 нафари ўз ҳовлисидан ўра қазидириб, турли чиқиндиларни каналга оқизмайдиган бўлди. 26 нафар кишининг иши тегишли чора кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича судга берилди. Туман ҳудудидаги Кубир ариғи қирғоқлари ёнига тикланган уй-жой эгаларига нисбатан ҳам юқоридаги каби чора-тадбирлар қўлланилди. Туман ҳокимлиги мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳафтада бир марта маълумотлар тўплаб, Тошкент шаҳар ҳокимлигига ахборот бераётир.

М.ОДИЛОВ,
Шайхонтоҳур тумани ҳокими.

Матбуот сўзининг таъсирчан кучи

САВОБЛИ ИШГА БАРЧАНИ САФАРБАР ЭТДИК

«Ишонч» газетаси ўз саҳифасида ғоят долзарб масалани кўтариб чиққани билан савобли ишга қўл урди, деб ҳисоблаймиз. Чунки авлоду-аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган сувни муқаддас неъмат сифатида эъзозлаш, унга гард юқтирмасдан покиза сақлаш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик каби ибратли одатлар барчамиздан инсонийлик бурчимизни виждонан бажариш, ушбу масалага масъулият билан ёндошишимизни тақозо этади. Мақолада гарчанд туманимиз тўғрисида гап юритилмаса-да, уларнинг бари бизга ҳам тўла тааллуқлидир. Чунки туманимиз ҳудудидан Бўзсув, Бўрижар, Анҳор каналлари ҳамда 15 та катта-кичик ариқ оқиб ўтади. Мақолада таъкидлангани каби салбий ҳолатлар бизда ҳам мавжуд.

Ана шундай камчиликларга чек қўйишга бағишланган йиғилишда Чирчиқ дарёси ўнг қирғоғи туманлараро каналлар бошқармаси, Тошкент шаҳар ва Зангиота туман сув хўжалиги бошқармалари ҳамда гидротехник иншоотларга хизмат кўрсатиш трестига қарашли махсус бошқарма раҳбарлари, шунингдек Чилонзор тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Г.Исмоилхўжаев иштирок этди. Ноқонуний қурилган хона, бостирма, молхоналарни бартараф этиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

Шунингдек, газета мақоласи туман фаоллари ва маҳаллалар оқсоқоллари йиғилишларида кенг муҳокама қилинди. Оқава сувларни каналга оқизаётган ташкилот, корхона, муассаса раҳбарларига жарима солинди. Канал бўйлари атрофи тозаланди ва ободонлаштирилди.

Х.ҲОЛМУРОДОВ,
Чилонзор тумани, Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

2001 йил 14 июл куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисда айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган Олий Мажлис депутатлари сайловига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар ва тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган жами 27 нафар номзодни бўшаб қолган 14 та сайлов округидан рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу қарор матни ва рўйхатга олинган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар тегишли маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритилиши белгиланди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатлари доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

АЖДОДЛАРИМИЗ ШОН-ШАВКАТИ БИЗГА КУЧ-ҚУДРАТ БАҒИШЛАЙДИ!

ЎЗЛИГИНИ АНГЛАГАН ХАЛҚМИЗ

(Боши 1-бетда).

— Аждодларимиз шон-шуҳрати бизга ҳамиша куч-қудрат бағишлайди. Шу билан бирга биз буюк келажак сари интилаяпмиз. Ана шу йўлда қайси жиҳатларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз?

— Энг аввало, одамларнинг фикрлаш тарзи, тафаккури, тарихга муносабат ўзгарди. Билим олиш замондошларимизнинг, айниқса ёшларнинг эҳтиёжига айланиб бормоқда.

Миллий руҳ, шарқоналик, халқимизнинг тарихий қадриятлари ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида кўзга яққолроқ ташланаяпти. Бу эса халқ миллий ўзлигини англаётганидан далолатдир. Бундай халқ эса ҳамиша қудратлидир.

— Шаҳарда амалга оширилаётган ишлардан қониқасизми?

— Ислоҳотларнинг асосий мақсади барча соҳаларда соғлом рақобатни вужудга келтиришдан иборатдир. Саноат ривожланаётгани сезилиб турибди. Давлат тасарруфидан чиқарилган ҳамда янги ташкил этилган қўшма ва кичик корхоналарда иш яхши кетаяпти. «СамКочАвто», «ЎзБАТ», «Самарқанд-Сингапур», «Самарқанд-Прага» қўшма корхоналари, «Нафис», «Алпомиш» ҳиссадорлик жамиятлари шаҳримиз саноатининг фахри бўлиб қолди. Таълим, тиббиёт, маиший хизмат, коммунал хизмат соҳаларида ҳам ижобий натижалар кўп. Барча саъй-ҳаракат мустақил мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга, халқ турмуши даражасини оширишга қаратилган.

— Мустақиллик йилларида Самарқанд зиёлиларининг интеллектуал имкониятлари қай даражада рўёбга чиқарилаяпти?

— Илмий салоҳияти жиҳатидан Самарқанд республикамиздагина эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам етакчи ўринларни эгаллайди. Самарқандлик олимлар маъруза ўқиш учун чет элларга таклиф этилаётгани фикримизнинг далилидир. Олимларимиз олиб бораётган илмий тадқиқотларнинг кўлами кенг. Мустақиллик йилларида 55 та докторлик ва 160 та номзодлик диссертациялари ёқланди. 74 та илмий ишга патент берилди. Кўплаб ихтиролар ва илмий ишланмалар амалиётга татбиқ этилди. Ўтган ўн йилда ўтказилган элликдан зиёд халқаро илмий конференциялар илм-фан ривожини янги босқичга кўтарди. Шу давр мобайнида кўплаб ўқув дастурлари ва қўлланмалар ёзилди. «Устоз» жамғармаси танловида ғолиб бўлган 26 нафар илмий ходим чет элларда тажриба ўрганиб қайтишди. Ёш физик олим Азиз Қосимов республика «Камолот» жамғармаси танловида ғолибликни қўлга киритиб, Гумбольт фонди танловида қатнашди ва унинг стипендиясига сазовор бўлди. Ҳозир у АҚШда илмий ишларини давом эттирмоқда. Самарқанд университети ва институтлар чет эллардаги етакчи илмий марказлар билан ҳамкорлик қилаётгани қувончли, албатта. Биз илм ривожи учун барча имкониятлар яратиб бериш ҳаракатидамиз.

— Бугунги ёшларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида қандай фикрдасиз?

— Биз ёшларимизни ўқишга кириш, ишга жойлашиш, иқтидорини ва ташаббусини рўёбга чиқариш борасида имкон борича қўллаб-қувватлаяпмиз. Масалан, ўтган йили шаҳримизда 283 нафар йигит-қиз ишга жойлаштирилди, 75 нафари қайта касбга ўқитилди. Энг асосий гап йигит-қизларимизнинг ҳаётда аниқ мақсад билан яшаб, меҳнат қилаётганликларидир. Бундай ёшлар ўзларига билдирилган ишончни оқлайди, албатта.

— Самарқанд шаҳри ҳаётининг яна қайси муаммолари сизни кўпроқ ўйлантиради?

— Қадимий шаҳарни ободонлаштириш, кўчаларни қайта қуриш анча мураккаб масала. Бунда тарихий анъаналар ва замонавий услубларнинг уйғунлиги бузилмаслиги керак. Янги қурилаётган иморатлар меъморчилигига ҳам ана шундай талаб қўйилмоқда. Шаҳар транспорти, экологияси, коммунал хизмат ҳам жиддий ёндошувни тақозо этади. Яқин вақтларда биз турар-жой соҳаларининг коммуникация тизимини, айниқса, ичимлик суви тизимини тубдан таъмирлашни бошлаш ниятидамиз. Мақсад — шаҳар кўркам, озода, аҳоли турмуши фаровон бўлишига эришишдир. Мустақиллик ғоясининг асосий моҳияти ҳам шунда.

Суҳбатдош: Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА



Яқинда Челак туманида яна бир қўшма корхона фойдаланишга топширилди. Натижада 75 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни чоғда бу ерда 17 хилдаги кийим-кечаклар тикилмоқда.

Гўзал Охалик тоғи бағрида жойлашган «Ситора» болалар оромгоҳида мавсумга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Шу боис ҳозирги кунларда ўғил-қизларимиз ҳар бир дақиқани мазмунли ва мароқли ўтказишмоқда.

Касаба уюшмалари ва ихтирочилик

Иқтисоди барқарор корхонадагина меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш мумкин. Содда қилиб айтганда, бунинг учун етарли маблағ керак. Айрим корхоналар иқтисодий қийинчиликни бошидан кечираётган бир пайтда қўшимча маблағ манбаини қандай топса бўлади? Бунинг йўли тежамкорликка интилиш, ихтиролар яратиш, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва шу орқали фойда олишдадир.

ЯНГИЛИККА ИНТИЛМАГАН МАҚСАДГА ЭРИШОЛМАЙДИ

Шу боис Самарқанд вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бу эса Ўзбекистон касаба уюшмаларининг III Қурултойида қабул қилинган ҳаракат Дастурида белгиланган вазифаларни ижро этишга қаратилган тадбирлардан биридир. Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини амалга жорий қилиш орқали корхоналарда иш шароити яхшиланаётгани, ускуналарнинг хавфсиз ишлаши таъминланаётгани, ишлаб чиқариш унумдорлиги ва олинадиган фойда миқдори ошаётганлиги қувонарлидир.

Масалан, пахтани плёнка остига экадиган сеялкалар анча такомиллаштирилди. Бунда Самарқанддаги «Кинап» ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтирочиларининг хизмати катта бўлди. Бунинг натижасида сеялкаларнинг дастлабки туркумини сотишдан корхона 10,5 миллион сўм соф фойда кўрди. Бу маблағнинг катта қисми ижтимоий соҳага, меҳнаткашларни моддий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

«Нафис» ҳиссадорлик жамиятининг мутахассислари ва ихтирочилари эса чинни буюмлар ишлаб чиқаришда қўл келадиган хомашёни тупроққа маъданлар қўшиш билан тайёрлашди. Бу ихтиро деб тан олинди. Фақат шунинг ўзидан корхона ўтган йили 5 миллион сўмдан зиёд соф фойда олди. «Самарқандгеология» давлат геология корхонасида ўтган йили рационализаторлик таклифларнинг 74 таси амалиётга жорий этилишидан 23,7 миллион сўм фойда олинган.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳамда ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти ҳамкорлигининг мақсади ташаббускор меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва манфаатдорлигини оширишга қаратилгандир. Биз касаба уюшмаларининг доимий қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб турамиз. Улар ҳомийлигида вилоятда ҳар йили «Энг яхши ихтирочи ва рационализатор» кўриги ўтказилади. Бу йил мазкур кўрик Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланди. Унда Самарқанд туман юқори кучланишли электр тармоқлари участкаси устаси А.Ҳазратов, 2522-автосарой пайвандчиси И.Узоқов, Олтинқозган геология-қидирув гуруҳи муҳандис-иқтисодчиси Ю.Ицковичлар ғолиб деб топилиб, касаба уюшмаларининг совринлари билан тақдирланди. Яна бир гап. Вилоят касаба уюшмаларининг амалий ёрдами туфайли ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти қошида «Новатор» жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма янги ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, ихтирочилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали фаолият кўрсатмоқда. Касаба уюшмалари билан ҳамкорлигимизнинг муҳим натижаси шу бўлдики, корхоналар касабақўмлари жамоа шартномаларига ихтирочилик бўйича алоҳида банд киритишга эришишди. Бунга кўра иш берувчи ихтирочи ва рационализаторлар иқтидорини рўёбга чиқариш учун барча зарур шароитларни яратиб бериш мажбуриятини олган. Бу ихтирочилик ҳаракати кўламининг кенгайишига олиб келди.

Бозор иқтисодиёти шароитида янгиликка интилмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ёш ходимлар, мутахассислар билан алоҳида иш олиб бориш зарурати туғилмоқда. Барчани, айниқса ёшларни ижодий ишлашга, изланишга рағбатлантириш муҳимдир.

Ихтирочиликни ривожлантириш борасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Айрим корхоналарнинг раҳбарлари маблағ танқислигини рўкач қилиб, янгиликларни, таклиф ва ташаббусларни эътиборсиз қолдирмоқда. Ҳолбуки, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши янгича фикрлашдан бошланади.

М.ГАДАЕВ, вилоят ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рационализатор.

ХОРИЖ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Ургут азалдан уста кулолчилари, зардўзлари, моҳир каштачилари билан ўз ҳунармандчилик мактабига асос солган. Ҳозирги кунда бу ерда 300 нафардан зиёд ҳунармандлар фаолият кўрсатмоқда. Кулоллар, сандиқсозлар, пичоқсозлар, бешиксозлар, зардўзлар шулар жумласидандир. Улар ясаган буюмлар, амалий санъат асарлари АҚШ, Германия, Япония, Исроил, Туркия каби йирик давлатларда ўтказилган кўргазмаларда медаллар билан тақдирланган. Айниқса, кулол Нўъмон Облоқуловнинг кўзалари Германияда юқори баҳоланди.

Миллий ҳунармандчилик

Халқ ҳунармандчилиги анъаналарини ривожлантириш билан бирга хотин-қизларни иш билан таъминлашга катта эътибор бераяпмиз. Шу боис 30 нафар хотин-қиз ишлайдиган гиламдўзлик цехи очдик. Нодир, ноёб ҳунарларни сақлаб қолиш мақсадида устоз-шогирд мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга давлатимиз ҳам ғамхўрлик қилмоқда. Хусусан, уюшмамизда аъзо бўлган ҳунармандлар даромад солиғи ва божхона тўловларидан озод қилинган. Бу эса ҳунармандлар учун жаҳон бозори дарвозаларини очиб берди.

Ҳунармандларимиз доимий изланишда. Масалан, кулол Н.Облоқулов ва унинг шогирдлари Оқтош тоғининг ўзига хос хусусиятли тошларини куйдириб олишади. Бундай табиий ранг сержило бўлиб, узоқ вақт сақланади. Шунинг учун ҳам кўзалар ҳайратланарли даражада жуда нафисдир.

Ургутлик Кубарро Тўхтаева тиккан кашталарда санъат намуналари мужассам. Чеварнинг буюмларига чет элларда ҳам талаб катта. Германиялик санъатшунос Э.Луш яқинда Кубарро Тўхтаеванинг кашталаридан олиб кетди. Япония, Туркия, Исроил вакиллари ҳам унинг маҳсулотини харид қилишди. Хорижликлар билан келгусида ҳамкорлик қилиш ниятидамиз. Юртимиз мустақиллиги туфайли шундай катта имкониятга эга бўлдик.

Миллий қадриятларни тиклаш, ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириш, шу билан халқимизнинг миллий амалий санъатини дунё миқёсига олиб чиқиш энг асосий вазифамиздир. Бунинг уддасидан чиқамиз, албатта. Чунки Ургутда бешиксоз Қимматхон ая Ҳамидова, пичоқчи Узоқ бобо Ражабов, сандиқсоз Шавкат Қўйсинов каби ўнлаб уста ҳунармандлар ва уларнинг иқтидорли шогирдлари бор.

С.ҒАФУРОВ, «Ҳунарманд» республика уюшмаси Ургут ҳудудий бўлими бошлиғи.

ҲАР БИР ЦЕХДА МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОНАСИ

Корхонамиз ишга тушганига етти йилдан ошди. Дастлаб етти турдаги чинни буюмлар ишлаб чиқарилган бўлса, уларнинг сони ҳозир 50 дан ошди. Самарқанд чинниси Осиё ва Европада машҳур. Чехословакияда 1982 йилда бўлган халқаро кўргазмада «Узум» деб аталган чинни буюмлар тўплами олтин медалга сазовор бўлди.

Айни вақтда корхона жамоаси юксак унум билан ишлаяпти. Мақсад — Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб кутиб олиш. Йилнинг ўтган даврида мўлжалдагидан 15 фоиздан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Эндиликда чинни идишлар маҳаллий хомашёдан тайёрланаётгани муҳимдир. Илгари чиннисозликда зарур бўлган коалин Россиядан келтирилар-ди. Ўзимиздаги Ангрен, Ланғар конларидан олинадиганининг сифати эса талабга жавоб бермасди. Мутахассисларимиз турли маъданлар қўшиб, унинг таркибини яхшилаш усулини топишди. Натижада хомашё таъминотидаги узилишларга чек қўйилди.

Ишлаб чиқаришдаги барқарорлик ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга имкон берди. Корхонада 1400 нафар киши ишлайди, аксарияти хотин-қизлардир. Уларнинг иш ва дам олиш шароити кўнгилдагидек бўлишига интилаяпмиз. Ҳар бир цехда тиббий ва маиший хизмат хоналари бор. Бу ерда даволаниш билан бирга дам олиш ҳам мумкин. Хотин-қизларга қўшимча таътиллар жорий қилинган. Кам таъминланган оилаларга олти ойда жами 70 минг сўмга яқин моддий ёрдам берилди. Умуман, ишчиларимиз жамоа шартномасида белгиланган имтиёз ва кафолатлардан тўла бахраманд бўлишига интилаяпмиз. Бундан ишчилар ҳам, корхона иқтисоди ҳам манфаат кўраяпти.

Ҳ.АБДУРАСУЛОВ, «Нафис» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси.

Излаган имкон топади

НОВВОЙХОНА ДАРОМАДИДАН СТИПЕНДИЯ

Бу билим маскани шаҳарнинг энг чекка қишлоқларидан бирида жойлашган. 1995 йилда ташкил топган Пахтачи туман бизнес мактабида айни пайтда 500 нафардан зиёд ўқувчи касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда. Асосан қишлоқ хўжалигига дахлдор мутахассислар тайёрлайдиган, тадбиркорликдан сабоқ берадиган мазкур ўқув масканининг моддий базаси замон талабларига мос. Умумий ва махсус фан хоналари жиҳозланган. Компьютер синфи мавжуд. Уни интернет тармоғига улаш чоралари кўрилмоқда. Дарслар сифатини кўтариш мақсадида Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Давлат университети билан шартнома асосида ҳамкорлик қилинаётир.

— Амалиёт дарслари тажриба хўжалигида ўтилади, — дейди мактаб директори Сайфиддин Бобомуродов. — Тажриба хўжалигининг 46 гектар майдонида пахта, ғалла, полиз экинлари етиштирилади. Мевали боғ ва токзор бор. Ўқувчиларимиз бу ерда экинларни парвариш қилиш ҳамда техника воситаларини қўллашни ўрганадилар.

Бизнес мактаби жамоаси фақат шу билан чекланиб қолмаган. Новвойхона, оҳак, тикувчилик цехлари, темирчилик устахонаси, 2 сотих иссиқхонадан ҳам ўзига яраша фойда олинмоқда. Даромаднинг асосий қисми билим масканининг моддий-техникавий негизини мустаҳкамлашга, ўқитувчилар ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилмоқда.

— Масалан, мактабнинг «Меҳнат-роҳат» оромгоҳида ўқувчилар меҳнат қилиш билан бирга дам олиб, саломатлигини тиклашади, — дея суҳбатга қўшилади касаба уюшма қўмитаси раиси Ж.Тоштўраев. — Бунинг учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Тўрт маҳал тўйимли овқатланиш, спорт ва маданият тадбирларига қатнашиш ўқувчиларни жисмонан, руҳан тетиклантиради. Бу жараёнда улар ўз билимларини ҳам мустаҳкамлаб боришади.

Яна бир гап. Касаба уюшма қўмиталарининг таклифига кўра маъмурият энг яхши ўқитувчиларга қўшимча маош, энг яхши ўқувчиларга эса стипендия тайинлашни мўлжалламоқда. Тажриба хўжалигининг даромади ҳисобидан жамоанинг кам таъминланган аъзоларига доимо ёрдам берилмоқда. Бу каби тадбирлар таълим-тарбия ишлари самарасини оширишга ижобий таъсир қилмоқда.

Н. ЭРҚУЛОВ, ишчи.

Маҳалла Ватаннинг бир бўлагидир. Таъбир жоиз бўлса, маҳалладаги ҳолат, аҳиллик мамлакатдаги тинчлик, фаровонлик тимсоли бўла олади. Ахир, заррада қуёш акс этади, деб бежиз айтишмайди. Сиёб тумани ҳудуди асосан эски шаҳар қисмида жойлашган. Шунинг учун бу ерда маҳалла фаолиятининг шарқона хусусиятлари кўзга яққол ташланади.

РЕГИСТОН ЁНИДАГИ МАҲАЛЛА

Бизнинг маҳалламиз Регистон мажмуасининг яқинида жойлашган бўлиб, энг қадимий даҳалардан бири ҳисобланади. Бу ерда 200 дан зиёд оила истиқомат қилади. Айниқса, ўз-ўзини бошқариш ваколати берилгач, маҳалламиз одамларида масъулият ҳисси кучайди. Бу, албатта мустақиллик шарофати, фикрлаш тарзи ўзгарганлигининг белгисидир.

Қўни-қўшниларнинг доимий борди-келдиси, давраларда бирга бўлиши уларни бир-бирига яқинлаштиради. Шу боис байрамларда, тўй-маъракаларда барчанинг тенг иштирок этишига интиламиз. Айниқса, Наврўз, Мустақиллик байрамлари кўп миллатли маҳалламизда чинакам шодиёнага айланиб кетади. Худди шундай тадбирларда маҳалла аҳли билан

Оқибатли кишилар

фикрлашамиз. Қилинажак ишларни белгилаб оламиз. Шу туфайли одамлар маҳалла фаолларига дардларини бемалол айтишади. Масалан, илгари ҳар бир оила тўй-маъракада ўзи алоҳида ташвиш чекарди. Оқсоқолларнинг маслаҳати билан зарур анжомларни маҳалла йиғини тасарруфида ташкил қилдик. Бундан ташқари, Эргаш, Зариф, Шокиржон Саломовлар ташаббус кўрсатиб, 32 хонадоннинг ичимлик сув қувурларини янгилаб беришди. Рустам Иноятуллаев ҳиммати туфайли яна 15 хонадонга сув қувурлари уланди. Ҳозир биз туман ҳокимлиги ёрдамида маҳалла кўчаларини ободонлаштиришни бошлаб юбордик.

Турмуш шароитини яхшилаш билан бирга одамларни ижтимоий-сиёсий ўзгаришлардан хабардор қилиб туриш, улар маънавиятини бойитишга ҳисса қўшиш ҳам муҳимдир. Шу мақсадда ўз кучимиз билан маҳаллада маънавият-маърифат хонаси ташкил қилдик. Ҳали бу борадаги ишларни талаб даражасида йўлга қўя олмаган бўлсак-да, одамлар бу ерга иштиёқ билан келаётгани бизни қувонтиради. Энг асосийси маҳалламиз аҳли замон руҳини чуқур англаб, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш нияти билан яшамоқда.

Р.ЖУМАЕВ, Сиёб туманидаги «Шарқ-6» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ПАСПОРТ АЛМАШТИРИШ ТАРТИБИ

Ушбу масалага оид саволлар билан мухбиримиз Д. Аллақулова Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Боҳодир МАМАТКАРИМОВга мурожаат қилди.

САВОЛ: айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги туфайли муҳим ҳужжат — паспорт яроқсиз ҳолга келиб қолади. Яна бирининг эса отаонаси турли миллатга мансуб. У отасининг эмас, онасининг фамилиясига ўтмоқчи. Ана шундай ҳолатларда паспортни алмаштириш тартиблари қандай бўлади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: ушбу ҳужжат паспортни алмаштириш ҳақида маълумот беришдан олдин ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Паспорти — Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ва унинг эгаси шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Паспорт 16 ёшга тўлган фуқароларга (ҳарбий хизматчилар бундан мустасно), «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга киргунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган шахсларга ҳамда қайд этилган қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга берилади. Паспортга фуқаронинг миллати тўғрисидаги ёзув унинг ота-онаси миллатига қараб киритилади. Агар фуқаронинг ота-онаси турли миллатга мансуб бўлса, биринчи марта паспорт берилаётганда паспорт олувчининг истагига кўра отаси ёки онасининг миллати ёзилади. Кейинчалик миллат тўғрисидаги ёзув фуқаронинг ёзма аризасига кўра (фақат бир марта) отаси ёки онасининг миллатига алмаштирилиши мумкин.

Фуқаролар 25 ёшга ва 45 ёшга тўлганларида ҳам улар ўз паспортларини ички ишлар идораларига мурожаат қилиб, алмаштириб олишлари лозим. Бунда янги паспортга олдинги паспортдаги ҳақиқий бўлган барча маълумотлар киритилиб берилади. Фуқарога 45 ёшга тўлганда берилган паспортнинг амал қилиш муддати чегараланмайди. Паспортни фуқаролар истиқомат қиладиган жойдаги ички ишлар идораларининг чиқиш, келиш ва фуқаролик хизматлари ёхуд Ўзбекистон Республикасининг шахс берган хориждаги дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан берилади ҳамда алмаштирилади. Паспорт олиш учун фуқаро истиқомат қилаётган жойдаги ички ишлар идорасига, хорижда яшаётган фуқаролар эса Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонасига ёки консуллик муассасасига қуйидагиларни тақдим этишлари лозим:

- ҳужжатларни қайси идорага топширилаётганлигига қараб, тегишлича Ўзбекистон Республикаси ИИВ ёки Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги ариза;

- паспортни биринчи марта олишда, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, кейинчалик эса илгари олинган паспорт;

- 3,5х4,5 см. ҳажмдаги иккита оқ-қора ёки рангли фотосурат.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти унинг амал қилиш муддати тугаганда, яъни фуқаро 25 ёки 45 ёшга тўлганда, фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси ўзгарганда, паспортдаги ёзувларда чалкашликлар аниқланганда, виза ва алоҳида белгилар учун мўлжалланган варақлар тўлганда ҳамда у фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келганда алмаштирилади. Бунинг учун эса фуқаро тегишли ёшга тўлгандан сўнг фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган йили ва миллатини ўзгартирган, ёзувдаги чалкашлик аниқланган ва паспорт фойдаланиш учун яроқсиз бўлгандан сўнг бир ой муддатдан кечиктирмай, паспорт аниқ муддатга берилган ҳолларда эса — паспортнинг амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб уч кунлик муддатда паспорт олиш ёки уни алмаштириш учун ҳужжатлар ва фотосуратларни тақдим этиши лозим бўлади.

САВОЛ: фуқаро паспортини йўқотиб қўйганда қайта паспорт олиш қоидалари, шунингдек, паспорт олиш билан боғлиқ давлат божларини қаерга тўлашлари мумкинлиги ҳақида ҳам тўхталсангиз.

ЖАВОБ: тўла давлат таъминотида бўлган шахслардан ташқари барча фуқаролардан, паспорт бериш, шу жумладан, алмаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги Қарорига биноан давлат божи олинади. Паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат, хорижга чиқиш ва хориждан келиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни бериш ва бошқа амаллар учун бож ставкалари қуйидагича белгиланган:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини берганлик, шу жумладан, у йўқотиб қўйилганда ўрнига янгисини берганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг (ҳозир 2450 сўм, 2001 йил 1 августдан 3430 сўм) 30 фоизи, ҳозирда 735 сўм, 1 августдан эса 1029 сўм миқдорида;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга кетиш ҳуқуқини берувчи ижозат ёзувини қўйиб берганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, ҳозирда 1225 сўм, 1 августдан 1715 сўм миқдорида;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишга оид ҳужжатлар берганлик ёки мазкур ҳужжат йўқотиб қўйилганда янгисини берганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи, ҳозирда 245 сўм, 1 августдан 343 сўм миқдорида;

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ёки фуқаролигидан чиқариш тўғрисидаги аризалардан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари, ҳозирда 4900 сўм, 1 августдан эса 6860 сўм миқдорида;

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини рўйхатдан ўтказганлик ва чиқарганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи, ҳозирда 49 сўм, 1 августдан 68 сўм 60 тийин миқдорида.

Кўрсатилган божлар тегишли ички ишлар идоралари чиқиш, келиш ва фуқаролик хизматларининг ҳисоб рақамларига банк муассасалари орқали тўланади. Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, паспорт олишда ариза ва бошқа бланкалар учун давлат божи олинмайди. Паспорт йўқолганлиги ҳақида тўхталадиган бўлсак, фуқаро доимий қайд этилган жойдаги ички ишлар органларига дарҳол хабар қилиши лозим. Улар эса ўз навбатида тегишлича Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан белгиланган шаклдаги маълумотнома ва ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида янги паспорт беришлари лозим.

САВОЛ: фуқаронинг паспорти қайси ҳолларда олиб қўйилиши мумкин?

ЖАВОБ: фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилганда уларнинг паспортлари хизматни ўташ даврида сақлаш учун хизматга чақирилиш жойидаги мудофаа ишлари органларига, ҳарбий ўқув юртига қабул қилинганда эса шу ўқув юртига топширилади.

Қамоққа олинган, шунингдек, озодликдан маҳрум этилиб, қамоқ жазосига маҳкум этилган шахсларнинг паспорти суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олиб қўйилади ва улар озод этилганларида паспорт эгасига қайтариб берилади. Бошқа ҳолларда ҳар қандай идора томонидан паспортни олиб қўйиш, шу жумладан, паспорт эгаси томонидан уни гаровга ёки бошқа мажбуриятларни таъминлаш мақсадида қолдириш ёки жисмоний ҳамда юридик шахслар томонидан уни олиб қўйишлик қатъиян тақиқланади.

ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ ОЛИШГА ҲАҚЛИМАНМИ?

Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: Мен ўқитувчи бўлиб 38 йил ишлаганман. 12 апрел 1946 йилда туғилганман. 55 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгаман. 2001 йил 12 апрелда ҳужжатларимни туман ижтимоий таъминот бўлимига топширганман. Саволларим:

1. Менга туғилган куним, яъни 12 апрелдан пенсия тайинланадими ёки ўзлари хоҳлаган кундан тайинлашадими?

2. Ишлаб турган даврим 1 йилда 2 ой тўлиқ тўланадими?

Н. ХИДИРОВ, Деҳқонобод тумани, Фирдавсий номли 8-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 45-моддасида ижтимоий таъминот ходимларининг пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатларини қараб чиқиш муддатлари кўрсатилган. Бунга кўра пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан қараб чиқилади, дейилган.

Ушбу қонуннинг 47-моддасида пенсияларни тайинлаш муддатлари кўрсатилган. Унга биноан ёшга доир пенсия — агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб уч ой ичида уни сўраб мурожаат этилган бўлса, пенсия ёшига тўлган кундан эътиборан тайинланади, дейилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, ижтимоий таъминот бўлими Сизнинг ҳужжатларингизни 10 кун ичида кўриб чиқиб, пенсия миқдорини, иш стажингизни давомийлигини айниқлаб бериши керак. Шунингдек, Сизга туғилган кунингиз, яъни ушбу пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб пенсия тайинланади, чунки белгиланган муддатда мурожаат этгансиз.

Иккинчи саволингиз бўйича Сизга қуйидагиларни айтиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ижтимоий суғурта жамғармаси, собиқ Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 декабрда 198-рақам билан рўйхатга олинган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»нинг 31-қисмида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича вақтинча, календар йил давомида икки ой муҳлатга ишлаётган пенсионерларга пенсия уларнинг яшаш жойидан тўлиқ тўланади. Бунда пенсионер бу икки ойда узлуксиз ишладими ёки танафуслар билан ишладими аҳамиятли эмаслиги белгиланган. Шунингдек, Меҳнат шартномаси (контракт) муддати узайтирилган ёки пенсионер ҳақиқатдан ҳам 2 ойдан ортиқ ишлаган ҳолларда пенсия умумий асосларда тўланади, дейилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, Сизнинг меҳнат шартномангизни муддати узайтирилган ёки муддатсиз бўлиши керак ва Сизга умумий асосларда то меҳнат шартномангиз бекор қилингунга қадар пенсиянгизни 50 фоизи миқдорида тўланади.

САВОЛ: 1993 йил туғилган қизим болаликдан ногирон. 16 ёшгача болаликдан ногирон бўлган оилалар, ер, мол-мулк солиғидан озод этиладими? Уларга яна қандай имтиёзлар бор?

Қ. ЭШНАЗАРОВ, Чироқчи туман.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ 16 ёшгача болаликдан ногирон болаларга қуйидаги имтиёзлар мавжуд:

1) даволаниш-профилактика муассасаларида даволанаётган даврда овқатланиш тўловидан озод этиладилар.

2) тиббий хулоса асосан протез-ортопедия буюмлари, эшитиш аппаратлари ва ногиронлар аравачаси билан бепул таъминланиш ҳуқуқига эгадирлар.

3) ногирон бола 14 ёшидан кейин бирор корхонада ишласа, даромад солиғи тўлашдан озод этилади (энг кам миқдоридаги иш ҳақининг 4- бараваридан).

САВОЛ: мен Нурота шаҳар сув ишлаб чиқариш идорасида хлорловчи-лаборант бўлиб ишлаб келаяпман. 55 ёшдан имтиёзли пенсияга чиқишга ҳақлиманми?

К.РАШИДОВ, Нурота шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсатгичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1994 йил 12 майдаги 250-сонли Қарорида кўрсатилган касблар ичида хлорловчи-лаборант касби мавжуд эмас. Сиз ушбу масала бўйича корхонангиз маъмуриятига мурожаат этишингиз мумкин. Бунда корхона раҳбари Сиз яшаётган туман ижтимоий таъминот бўлимига, Сиз ишлаётган касб соғлиққа зарарлигини тасдиқловчи имтиёзли маълумотнома билан мурожаат қилиши мумкин. Маълумотнома албатта Сизнинг бажараётган ишингиз юқорида айтиб ўтилган қарорнинг тегишли боб ва қисмларига асослантирилиши керак.

ҲУЖЖАТГА БЕЭЪТИБОР БЎЛМАЙЛИК

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги келиш-кетиш ва фуқаролик бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширувлар натижасида туман ва шаҳарларда 3666 та паспорт тартибини бузиш ҳолатлари аниқланди.

— Текширишда Қорақалпоғистон республикаси бўйича 3181 дона паспорт эгаларига тарқатилмагани маълум бўлди, - деди Қорақалпоғистон ИИВ бўлим бошлиғи, милиция майори Қунназар Сарбоев «Туркистон-пресс» мухбирига. Нукус шаҳри, Беруний, Хўжайли, Элликқалъа, умуман ички ишлар бўлимларида шу хилдаги камчиликлар кўплаб учрамоқда.

Ўтган йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ходимларининг ташаббуси билан ҳар бир ходимнинг кам таъминланган оилаларга бир донадан паспорт олиб бериши ташкил этилган эди. Бугунги кунни шу ташаббус меҳнат жамоаларида жорий этилса, тайёр паспортларнинг ўз вақтида эгаларига тарқатиш ишлари самарали бўлар эди.

Қ.Сарбоевнинг таъкидлашича, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилги 28 январдаги фармойиши бўйича ўтказилган текширувлар натижасида камчиликлар аниқланиб, корхона, ташкилот раҳбарларига, айрим фуқароларга қонун асосида чоралар кўрилди.

Бироқ шунга қарамасдан, айрим корхона раҳбарлари томонидан камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Хўжайли туманидаги «Хўжайли толаси» акциядорлик жамиятида айрим ишчилар собиқ СССР паспорти билан ишлаб юришибди. «Тахиатош-дон» акциядорлик жамияти айрим аъзоларининг паспорт муддатлари ҳам ўтиб кетган.



Одамлар узоғини яқин қилишда ҳайдовчилар билан бир қаторда автобекат ходимларининг ҳам хизмати катта. Мана ўн йилдирки, Холида Ашурматова Паркент автошоҳбекатида нозим бўлиб ишлаб келмоқда. — Халқ дуоси, биз учун катта бахт. Ҳар куни ўнлаб автобусларда йиловчиларни манзилга кузатиб қоламиз. Уларга оқ йўл тилаймиз, - дейди у.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

ЎЗ БОЙЛИГИМИЗ ЎЗИМИЗГА ҚАЙТДИ

Божхона бекати

Эътиқодли, ҳалол, Ватаним деб жўшиб ишлаётган кишилар ҳаёт кўрки. Бундай олижаноб кишилар қалбида Ватан ишқи, юрт меҳри жўш уради. Бахтга қарши, шундайлар ҳам борки, улар ҳамиша, ҳар қандай шароитда шахсий манфаатларини ўйлайдилар. Қуйидаги мисол бунинг ёрқин далилидир. Тунги шарпалар Мирзачўл туманининг «Тошкент» ширкатлар уюшмаси ҳудудидан ўтувчи Саркисов каналининг чекка қисмидан Қозоғистон Республикасига ўтишга уринишди. Қизиғи шундаки, 35,5 тонна минерал ўғитни ноқонуний равишда ўмариб кетаётганлар орасида шу тумандаги «Ғалаба» ширкатлар уюшмаси агроном-энтимологи Кемелбек Карабаев ҳам бор эди. У шу ерларнинг баланд-пастини яхши билганлиги учун ҳамтовоқлари ишимиз бароридан келади, деб ўйлашганди. Бироқ, ҳушёр божхоначилар анойи эмас экан. Ўғрилар тузоққа илинишди.

Жиззах вилоят судининг ҳукми билан Қозоғистон Республикаси фуқароси С.Нурхожжаев, Мирзачўл тумани «Ғалаба» ширкатлар бирлашмаси мутахассиси К.Карабаев, Дўстлик туманлараро «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамияти раиси И.Султонов, омбор мудири М.Пирманов ва бошқалар қилмишларига яраша жазоландилар. Далилий ашё сифатида ушлаб қолинган 16,5 тонна маҳаллий ўғит давлат фойдасига мусодара қилиниб, 19 тонна хлорид магний тегишли хўжаликка қайтарилди.

Бошқармамиз Қозоғистон Республикаси билан чегарадош. Ходимларимиздан кеча-ю кундуз ўта ҳушёр бўлиш, айниқса ҳар бир транспорт воситасини синчковлик билан кўздан кечириш, шохидамас, баргида қабилида иш юритаётганларга ён бермаслик тақозо этилади. Эътиборлиси шуки, ходимларимизнинг ҳамжиҳатликдаги фаолиятлари туфайли 12 ой ичида 13 ҳолатда ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, моддий бойликларимизнинг четга қинғир йўллар билан чиқиб кетилишининг олди олинди. Масалан, Ўзбекистон фуқароси Д.Айитманбетов 119 минг сўмлик акциз маркасисиз сигареталарни ўзича пуллаб, бойлик орттирмоқчи бўлган. У қанчалик устамонлик қилмасин, сири фош бўлди. Божхона бошқармаси томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг моддаларига кўра жиноий иш қўзғатилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 13 марта алкогол ичимликларини акциз маркаларисиз қўшни республикадан ҳудудимизга олиб кириш ҳолати аниқланди. Бир нарсага жуда ачинаман: баъзи аёлларимиз кимларнингдир алдовига учиб, қалтис ишга қўл урадилар. Охир-оқибат улар божхона бекатида тўхтатилганларида, кўз ёши қилиб, афсус-надомат чекадилар. Бироқ, қонун барча учун баробар. Қаранг, Зуҳра Ғуломалиева транзит ҳолатда 5 кило-ю 30 грамм героин моддасини Москва шаҳрига олиб кетаётганида ушлаб қолинди. Ҳа, ҳар қандай олғирлик, ўғриликнинг охири вой.

Н.АБДУВАЛИЕВ, Жиззах вилоят божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари, божхона хизмати капитани.

OLAMDA

ПЕКИН. Хитой халқ банки 2008 йилги олимпиадага бағишлаб кумуш тангалар зарб эта бошлади. Танганинг қиймати ўн юан (тахминан бир АҚШ доллари) га тенг бўлиб, жами олтмиш минг дона чиқарилади.

***

НАЙРОБИ. Конго Демократик Республикасида ноёб ўсимликлар камайиб бораяпти. Бунга мамлакат рамзи саналмиш окапи деган жониворнинг фақат ўт-ўлан билан озиқланиши сабаб бўлмоқда.

***

ҒАЗО. Исроил армияси Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Ҳеврон шаҳрида террорчиларни топиб, зарарсизлантириш бўйича махсус операция ўтказди. Операция давомида фаластинликлар билан тўқнашув содир бўлди. Хабарларга кўра, можаро пайтида фаластинлик бир қизча яраланган.

***

БРАЗИЛИА. Бразилиянинг Салвадор шаҳрида полициячиларнинг иш ташлаши давом этмоқда. Бир ҳафтадирки, 2 мингга яқин полициячи маошни икки баробар оширишни талаб қиляпти. Хабарларга кўра, бунинг натижасида шаҳарда аҳвол анча кескинлашган. Хусусан, ўтган ҳафтада ўн еттита қотиллик рўй берган.

***

ЛОНДОН. Буюк Британияда АҚШ билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш мўлжалланаётган «Апач» русумли вертолётнинг янги авлодини яратиш лойиҳаси вақтинча тўхтатиб қўйилди. Бунга мамлакатдаги «Дера» илмий тадқиқот институтининг хусусийлаштирилгани сабаб бўлди.

«Учар танк» лақабини олган «Апач»нинг илк синови шу ҳафта Лондондаги ҳарбий полигонлардан бирида ўтказилиши керак эди.

***

БРЮССЕЛ. Белгия пойтахтида Европа Иттифоқи кенгашининг навбатдаги мажлиси бошланди. Ташқи ишлар вазирлари даражасида ўтаётган мазкур анжуманда Болқон, Марказий Африка ҳамда Яқин Шарқ минтақаларидаги вазият муҳокама қилинади. Шунингдек, йиғилишда ЕИнинг ягона мудофаа сиёсати ҳамда иттифоқни кенгайтириш масаласи кўриб чиқилади.

***

АЛ-ҚУВАЙТ. Араб давлатлари лигаси бош котиби Амр Мусо Қувайтга келди. Бу ерда у Қувайт ҳукумати билан ташкилотни ислоҳ қилиш масаласи хусусида фикр алмашади.

(ЎзА).

NIMA GAP

Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига

КЎҲНА ДУНЁ ЧОРРАҲАСИ

Термиз шаҳри ҳақида гап кетганда, буюк аллома-давронлар Ал-Ҳаким ат-Термизий, Имом Исо Термизий ва кўҳна тарихдан ҳикоя қилувчи обидаларга бой ўлка киши кўз ўнгида гавдаланади. Шаҳарни дунёга танитган яна бир тармоқ мавжудки, у ҳали кенг оммага етиб борган эмас. Бу Термизнинг порт шаҳар сифатидаги ўрнидир.

Япониялик қадимшунос олим, профессор Като Кюдзо шундай дейди: «Унутмангки, бу заминнинг ҳар бир қаричи тиллога баробардир. Агар билсангиз, кўҳна дунёнинг нигоҳи Термизга қадалиб турган. Чунки у шундай ҳурматга лойиқ эди. Буюк Ипак йўлини Термизсиз асло тасаввур этиш мумкин эмас...»

Дарҳақиқат, кўҳна дунё чорраҳаси бўлган Термиз Ғарб ва Шарқни боғловчи кўприк саналган. Боз устига, Марказий Осиёнинг йирик дарёси ҳисобланган Амударё қирғоғидаги ва дарёнинг нариги томонидаги шарқ дунёсининг йирик мамлакатлари билан савдо-сотиқ қилиш зарурати ҳамда қулай кечувга эга бўлганлиги Термизнинг порт шаҳар сифатида шаклланишига имкон яратган. Амударё турли замонларда Окс, Укўз, Аракс, Жайхун, Термиз дарёлари деб атаб келинган.

Амударё Марказий Осиёдагина эмас, жаҳондаги йирик дарёлардан ҳам бири (унинг суви Днепр дарёси сувидан 1,2 марта, Дон дарёси сувидан 3 марта кўп, лекин машҳур Нил дарёси сувидан бироз кам). Амударё Афғонистон ҳудудидаги Ҳиндикуш тоғи шарқий қисмининг шимолий ён бағридаги 4950 метр баландликда жойлашган Вревский музлигидан бошланади. Амударёнинг бош қисми Вохжир, сўнгра Вохандарё деб аталади ва Помирдаги Заркўлдан чиқиб келадиган ва Афғонистон ўртасидаги чегара ҳисобланадиган Помир дарёси билан қўшилиб Панж, яъни беш дарё (Вохандарё, Помирдарё, Гунт, Бартангдарё ва Ванч) номини олади. Амударёнинг узунлиги бошланиш қисми билан бирга ҳисоблаганда 2500 км ни ташкил қилади. Сурхондарё ва Қорасув дарёси Амударёнинг охирги ирмоқлари бўлиб, кейинги 1400 км масофада унга битта ҳам ирмоқ қўшилмайди. Дарё Қорақум чўлларидан ўтиб, Орол денгизига қуйилади.

Дарвоқе, дарёнинг кема қатнайдиган қисми узунлиги 1400 км дан ошади. Қадимдан энг қулай дарё кечуви Пайғамбар ороли орқали амалга оширилган. Тарихчи Ҳофизи Абрў шаҳар яқинидаги кечув ҳақида: «Бурдағуй — Жайхун қирғоғида, Термиз мавзеларига туташ жойдир. Бурдағуй юнонча сўз бўлиб, меҳмонхона деган маънони англатади. Қадимда кемаларнинг сардорлари турган», дейди. Бу ерда гап ҳозирги Фаёзтепа яқинидаги кечув жойи ҳақида кетаётир.

Термизнинг Амударё қирғоғидаги порт шаҳар бўлганлиги Истахрий (IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи чорагида ўтган сайёҳ ва муаррих Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форсий ал-Истахрий (850-934 йй.) ва Мақдисий асарларида ҳам таъкидлаб ўтилган. Тарихга назар соладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг икки жойида — Хоразм ва Термизда қайиқлар тайёрланган ва Мақдисийнинг ёзишича, қайиқлар айнан Термиздан бозорга чиқарилган. Қадимги замонларда ўлкамизга ташриф буюрган Хитой императори Ди Чжан Цян элчиси (милоддан аввал 201-120 йй.) асарларида Термиз орқали савдогарлар моллари узоқ масофаларга олиб борилганлиги қайд этилганлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам Термиз порти шаҳар сифатида барча қулайликларга эга эди. Шаҳарнинг порт сифатидаги аҳамияти Амударё ўз сувини Каспий денгизига қуйган пайтда янада ортганлиги тарихдан маълум. Академик В.Бартольднинг ёзишича, Амударё XIII ва XVI асрларда Узбой ўзани орқали Каспий денгизига оққан. У араблар босқини даврида ҳам сув йўли сифатида машҳур бўлиб, ўшанда дарё имкониятларидан кенг фойдаланилган эди. Масалан, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Тарабий (839-923)нинг ёзишича, Қутайба Чағониён юқорисидаги Шуман ва Ахарунга юришидан қайтишда қайиққа ўтириб, Амударё бўйлаб Чоржўйга боради. Термизлик ҳунармандлар йирик шоҳона кемалар ҳам қурганлар. Бу кемаларда Термизга келган шоҳлар, султонлар дарёда сузиб ҳордиқ чиқаришган. Айниқса, Термиз X асрда савдо шаҳри мақомини олгач, унинг нуфузи янада ортган. Буни биз ўша вақтда Термизда ўндан ортиқ карвонсарой қурилганидан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Абул Фазл Байҳақийнинг (XI асрда ўтган йирик тарихчи олим. Тўлиқ исми: Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ал-котиб ал-Байҳақий) ёзишича, Ғазнавийлар султони Масъуд Термизга ов қилиш учун дарё йўли билан шоҳона кемасида келган. Умуман Термиз дарё порти Марказий Осиё халқлари ва бошқа давлатлар учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, хусусан, Пётр I кўрсатмасига биноан 1717 йилда князь Бекович-Черкасский бошчилигидаги экспедиция Амударёнинг Оролгача қуйиладиган сув йўлини ўрганишга киришганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бироқ экспедициянинг Хива хони Шерғозихон томонидан қириб ташланиши натижасида Пётр I нинг бу кўрсатмаси бажарилмай қолди.

Марказий Осиёни босиб олган чор Россияси Термизнинг стратегик ўрнига катта баҳо берганлиги ҳам тасодифий эмас. Бу ўринда, шубҳасиз, Амударё ва унинг қирғоғидаги Термиз шаҳрининг шарқдаги муҳим ўрнига эътибор қаратилган эди.

1994 йил май ойида Ўзбекистон Республикасида жойлашган дарё флоти бўлинмаларини бошқариш тартиби қайта ташкил этилди. 1995 йилда эса Марказий Осиё пароходчилигининг Ўзбекистондаги бўлинмалари негизида «4-Термиз дарё порти», «Хоразм дарё флоти», «Қорақалпоғистон дарё флоти» ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди.

Йилига 2,5 миллион тонна юкни қабул қилиш, жўнатиш қувватига эга бўлган Термиз дарё порти бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини мустаҳкамлашда халқ хўжалигининг бошқа соҳалари қатори ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Э.ҚОБИЛОВ, А.ТЎХТАЕВ, тарих фанлари номзодлари.

Халқаро Олимпия қўмитасининг (ХОК) 112-сессиясида 2008 йилда ўтказиладиган Олимпиада мезбони аниқланди. Хитой пойтахти Пекин шаҳри Париж, Осака, Торонто ва Истанбулни ортда қолдирди ва энг кўп овоз олди.

ПЕКИН - 2008 ЙИЛГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ МЕЗБОНИ

Пекин овоз беришнинг иккинчи босқичидагина ғолиб бўлганини бошқа шаҳарларнинг ҳам XXIX Олимпиадани ўтказиш учун астойдил ҳаракат қилганидан дарак беради.

Овоз бериш давом этаётган бир пайтда Пекиннинг ғарбий қисмида ўрнатилган улкан экранлар орқали хитойликлар бу жараённинг боришини томоша қилиб турди. ХХР пойтахтидаги энг йирик Тяньаньмэнь майдони Пекиннинг ғалаба қозониш имконияти юқори бўлгани сабабли авваланоқ байрам тантаналарига ҳозирлаб қўйилган ва безатилган эди.

(ЎзА).

МИЛЛИЙ КИНО: ЮКСАЛИШ ЗАВҚИ ВА МАШАҚҚАТИ

Сарҳисоб

Улкан байрам арафасида ҳар биримиз ўн йил давомида қилинган ишларга якун ясашга ошиқамиз. Тарихи минг йилликлар билан ўлчанадиган кўҳна санъатнинг суюкли зурёди бўлмиш кинонинг кейинги ўн йил ичидаги одими арзимас даврий масофа бўлиб кўриниши мумкин. Лекин биз бу навқирон санъат ривожи учун керагича шароит яратиб берилаётганини эслаб фахр-ифтихорга тўламиз. Мустақиллик туфайли буюк Амир Темурнинг ёркин сиймоси илк бор экранда намоён бўлганини, улкан донишманд Имом Бухорий ҳаёти, жўшқин, самарали фаолиятига бағишланган асар худди шу йиллари пайдо бўлганига яна бир бор ишора қиламиз. Шу билан бирга замондошимиз, яқин ўтмишимиз сиймоларига диққат-эътибор кучайганини, уларнинг ички дунёси, кечинмалари, атроф-муҳит ва муайян даврда устун турган фикрларга бўлган муносабатларни бадиий тадқиқ қилишга интилиш борлигини сезамиз. Шундай изланишнинг самараси ўлароқ «Воиз» филми яратилдики, у инқилобнинг емирувчи кучини очиш йўлидаги дадил қадам бўлгани билан ҳам кейинги ўн йилликнинг энг катта ютуқларидандир. Бу асарни биз Миллий университет талабалари билан бирга яна бир бор кўрдик. Асар завқ бериш билан бирга тарих саҳифалари ҳақида ўйлашга ундади. Томошадан сўнг бош рол ижрочиси Баҳодир Одилов билан қизғин суҳбат бўлиб ўтди. Санъаткор саволларнинг барига жавоб бериб, шундай якун ясади:

— Филмимиз соғлом фикр юритадиганларга, жамият, эл-юрт манфаатларини кўзлаб иш тутаётганларга маъқул бўлаётганини кўриб турибмиз. Демак, олдимизга қўйган вазифани маълум даражада бажардик, деб ўйлайман...

Бундай асар миллий кинематографиямиз ривожида бошланган янги даврнинг ўзига хос инъикоси, деб айтиш мумкин. Зеро, унинг ҳам эстетик, ҳам ижтимоий-сиёсий аҳамияти катта, деб биламиз. Сабаби у эндиликда ижод аҳли тарих саҳифаларини қайта ўрганиб, баҳолаб, уларни сценарийда, филмда бадиий ифода этиш борасида илмий жиҳатдан асосланган концепцияларга таянаётганлигини, мураккаб масалаларни соддалаштирмай, янги драматургик қурилишлар, ҳикоя услублари, ижро йўлларидан фойдаланишга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатувчи ёркин далилдир. Шу билан бирга «Воиз» томошабиннинг янги эстетик мезонлар билан қуролланишида ҳам хизмат қилиши мумкин. Қаҳрамонларни фақат оқ ёки қоп-қора тусда беришга ва уларни шундай қабул қилишга ўрганиб қолганлар учун «Воиз» бамисоли бир хазина. Зеро, унда санъатнинг нозик, нафис бўёқлари ёрдамида тарих саҳифаларига октябр тўнтариши сифатида кириб қолган воқеага таъриф берилади.

«Ижобий» ва «салбий» қаҳрамон тушунчалари бу асарга ёт. Ҳаёт, воқеа ва унинг иштирокчилари қанчалик мураккаб, сержило бўлса, Юсуф Розиқов сценарийсида ва филмида ҳам шунчалик теран талқинини топган. Кейинги ўн йилликда бадиий кино соҳасида эришган ютуғимиз бу.



Ҳамидулла АКБАРОВ.

(Давоми бор).

Янги анъаналар

ДАВРАДА – ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ

Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан Яккасарой туманидаги Бобур номли истироҳат боғида ўтказилган тадбирга истиқлол тенгдошлари бўлган ўғил-қизлар, уларнинг ота-оналари ва қариндош-уруғлари таклиф этилди.

Маълум бўлишича, шаҳар солиқ тизими ходимларининг 145 нафар фарзанди 1991 йилда, улардан етти нафари эса мустақиллик байрами куни — 1 сентябрда дунёга келган экан. Ўша куни байрам тадбирининг тантанали қисмида уларга эсдалик совғаси сифатида аудиомагнитофонлар тақдим этилди. Шундан сўнг истиқлол тенгдошлари ўртасида турли хил мусобақалар бошланди. Кимдир стол тенниси бўйича куч синашди, кимдир асфальтга расм чизиш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди, яна кимдир қўшиқ айтиб, рақсга тушди.

Навбатдаги якшанба ҳам ғоят сермазмун ўтди, солиқчи аёлларнинг 165 нафар фарзанди Тошкент давлат циркига ташриф буюришди. Касаба уюшма қўмитасининг «Она ва бола» дастурида кичкинтойларни маданият ва санъат кошоналарига олиб бориш, уларни ёшликдан гўзалликка ошно қилиш режалаштирилган эди. Шу режа асосида ўтган ойларда жами 2300 нафар ўғил-қиз цирк томошаларини мароқ билан кўрди.

— Фарзандларнинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб етишишлари учун биз ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз, — дейди бошқарма касаба уюшма қўмитаси раиси Бегмат Шоазизов. — Бугунги кунда ходимларимизнинг 50 дан ортиқ фарзандлари ёзги таътилни имтиёзли йўлланмалар билан ўлкамизнинг баҳаво жойларида ўтказмоқдалар. 57 нафар ходим оила аъзолари билан бирга дам олмоқда. Бўстонлиқ туманидаги Оқтош қишлоғида Давлат солиқ қўмитасининг соғломлаштириш маркази ташкил этилган. Дам олиш, ҳордиқ чиқариш, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш истагини билдирган кўплаб ходимларимиз бугунги кунда ўз фарзандлари билан шу оромгоҳларда ёзни соз ўтказмоқдалар. Бундан ташқари, «Кумушкон», «Қизилсой» оромгоҳлари ҳам меҳнат таътилига чиққан солиқчилар билан гавжум. Кейинги ойларда салкам 200 нафар ходим тоғ бағирларидаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб қайтди.

Дам олувчилар учун Тошкент шаҳрида ҳам қулай шароитлар яратиб берилган. 110 нафар солиқчи ва уларнинг фарзандлари бепул йўлланмалар билан Митрофанов номли сузиш ҳавзасида қатнашмоқдалар.

Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқчи-спорт-маърифат» спорт мажмуаси ҳам ҳар куни ишқибозлар билан гавжум. Яқинда мини футбол бўйича 10-13 ёшли болалар бу ерда ўзаро беллашдилар. Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланган ашула ва рақс байрамига ҳам болалар файз киритишди.

Бошқарма касаба уюшма қўмитаси фахрийлар ва ходимларни ижтимоий ҳимоялашнинг янги-янги шаклларини излаяпти. Болаларнинг қишки ва баҳорги таътил кунларида солиқчиларнинг фарзандларига турли тадбирларда қатнашишлари учун 2300 та йўлланма тарқатилди.

Албатта, бу тадбирларнинг ҳаммаси бевосита маъмуриятнинг мадади ва иштироки билан амалга оширилмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорлиги билан тизимда туғилаётган ҳар бир ташаббус кенг қанот ёзмоқда.

Жасур НОСИРОВ.

Туҳфа

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китоби кенг оммалашиб кетди. Ана шу нашр мазмунини очиб беришга хизмат қилувчи туркум плакат ҳам кўп нусхада чоп этилди.

ПЛАКАТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Бу плакатларнинг ҳар бири Президентимизнинг миллий истиқлол ғоясини ифодаловчи фикрлари билан бойитилди. Плакатларда акс этган суратларда эса мамлакат ҳаётининг турли жабҳалари тасвири ўз ифодасини топди.

«Маънавият» нашриёти томонидан кўп нусхада чиқарилган мазкур плакатлар истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари мазмунини ёритишга ёрдам беради. Шу сабабли ҳам улар маънавий ва маърифий ишларни олиб боришда кўргазмали восита бўлиб хизмат қилади.

Садоқат КУПАЛОВА.

Каратэ

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур. Бу жонажон Ўзбекистонимизни мустақилликка эриштирган мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг азиз фарзандларимиз — келажагимизга даъватидир.

ГАЗЕТА СОВРИНИ УЧУН

1991 йилда туғилган фарзандларимиз 10 ёшга тўлмоқда. Улар мустақиллик фарзандлари эканлиги билан ҳам бахтлидирлар. Бугун улар ҳатто жаҳон майдонларида ўзларини кўрсатмоқда, юрт шаъни, обрўси учун курашмоқда. Ўз фарзандининг камолини кўришни орзу қилган ҳар бир ота-она учун бу катта бахтдир.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги, «Оналар ва болалар йили» муносабати билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари соврини учун пойтахтимизнинг МҲСК мажмуида 1991 йилда туғилган ўғил-қизлар ўртасида каратэ бўйича республика мусобақаси бўлиб ўтди. Республика Каратэ миллий федерацияси ҳамда Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур беллашув барча иштирокчи ва томошабинларнинг ёдларида узоқ вақт сақланиб қоладиган бўлди.

Спорт байрамининг очилиш маросимида сўзга чиққан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири А.Усмонов ҳамда республика Каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасовнинг самимий истаклари барча иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Дарҳақиқат, болажонларнинг ҳаяжони ўзгача. Буни тушунса бўлади. Гарчанд улар ичида дунёнинг турли бурчакларида ўтказилган мусобақа ғолиблари, совриндорлари бор бўлса-да, лекин бугунги кураш ўзгача эди. Сабаби истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган мусобақада қатнашиш ва ғолиб бўлиш барчага ҳам насиб этаверадиган бахт эмас. Устига-устак тенгқурлар қаторида биринчи бўлишга интилиш ҳар қандай ёшга дунё-дунё завқ-шавқ бағишлайди. Татамига тушган ёш спортчилар ҳаракатида аниқлик, кучни сарфлаш онларидаги қийқириқлари томошабинларни беихтиёр ларзага солди. Айниқса, биринчи бўлишни орзу қилиб келган ёшларнинг ҳаракатидан завқланасан, киши.

Спорт шуниси билан қизиққи, унда албатта кимдир ғолиб бўлади. 30 килограмм вазн тоифаси кумитэ баҳсларида биринчи ўринни Суннат Абдувоҳидов эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларни Шерзод Абдуҳакимов ва Вячеслав Ли банд этдилар. 30 килограммдан ортиқ вазн тоифасидаги кумитэ баҳсларида Аббосхон Ҳусанхонов барча рақибларини доғда қолдириб, биринчиликни қўлга киритди. Сардор Ширинбоев ва Қобил Маликовлар қолган икки ўринни бўлишиб олдилар. Кумитэ қизлар баҳсида эса Ширин Абдуҳакимова ўзини кўрсатди. Натижада шоҳсупанинг чўққисини эгаллади. Дилноза Одилова ва Сабина Ниёзовалар иккинчи ва учинчи ўринга муносиб деб топилдилар. Жамоа катасида эса Каратэ клуби биринчи ўринни ишғол қилди. Тошкент шаҳар Федерациясига иккинчи, Каратэ-1 клубига эса учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиблар мусобақа ташкилотчилари таъсис этган қимматбаҳо совринларни қўлга киритишди.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ, «Ишонч» мухбири.



Суратларда: мусобақадан лавҳалар

Тошкент шаҳар Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси «Орзу» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Абдурашид Абдуқодировга волидаи муҳтарамаси

САМАРАХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.55

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6